

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.1S/30.12.2019.T.73.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАКИРОВА ФЕРУЗА ФАЙЗИТДИНОВНА

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА
АВТОМАТИКА ВА ТЕЛЕМЕХАНИКА ТИЗИМЛАРИ УЧУН
БИРЛАШТИРИЛГАН МИКРОЭЛЕКТРОН ИМПУЛЬС ШАКЛЛАНТИРГИЧ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ншлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Шакирова Феруза Файзитдиновна

Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика тизимлари учун
бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргич 5

Шакирова Феруза Файзитдиновна

Интегрированный микроэлектронный импульсный формирователь
систем автоматки и телемеханики железнодорожного транспорта ... 23

Shakirova Feruza Fayzitdinovna

Integrated Microelectronic Pulse Shaper for railway transport automation
and telemechanic systems 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 44
List of published works..... 44

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/30.12.2019.Т.73.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАКИРОВА ФЕРУЗА ФАЙЗИТДИНОВНА

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА
АВТОМАТИКА ВА ТЕЛЕМЕХАНИКА ТИЗИМЛАРИ УЧУН
БИРЛАШТИРИЛГАН МИКРОЭЛЕКТРОН ИМПУЛЬС ШАКЛЛАНТИРГИЧ

05.08.03 – Темир йўл транспортини шлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1863 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.istu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Арипов Назиржан Мукарамович техника фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Улжаев Эркин техника фанлари доктори, профессор Хаджимухателова Матлуба Адилловна техника фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил "18" 12 соат 10 дақиқасида бўлиб ўтди. Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@istu.uz


Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (045 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2021 йил "04" 12 кун тарқатилди.
(2021 йил "04" 12 дақиқасидаги 039 рақамли реестр баённомаси).

А.Н. Азизов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н., доцент

М.М. Расулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раис Уринбосари,
т.ф.н., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда поездлар ҳаракатини ташкил этиш, поездлар ва қурилмалар ҳавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспортини бошқаришни ривожлантириш вазибаларини микроэлектрон элементларига эга бўлган автоматика, телемеханика воситалари ва жиҳозлари асосида микропроцессорли тизимларини яратиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Масалан, МДХ давлатлари темир йўлларида кодли йўл ва маятникли трансмиттерларнинг ўрнига электрон трансмиттерларни жорий этиш натижасида эксплуатацион харажатлар 10-12% га камайган. Шу сабабли, модернизация жараёнида, маҳаллий замонавий микропроцессорли тизимларда контактли трансмиттерли қурилмалар ва улар асосидаги схемалардан воз кечиб, юкори тезлик, ҳавфсизлик ва уларни ишлаб турган тизимлар билан мувофиқлигини таъминлайдиган, контактсиз микроэлектрон қурилмаларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Бу борада, Россия, Япония, Германия, АКШ, Англия, Хитой, Испания каби ривожланган мамлакатларида ва бошқа хорижий давлатларда темир йўл транспорти автоматика ва телемеханика тизимларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалашда элементлар ишончилиги мустаҳкамлиги ва ўзини ўзи ташхислашга, шу билан бирга ишончли, барқарор сигналларни ишлаб чиқувчи ва узатувчи микроэлектрон қурилмаларни яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда темир йўл автоматика ва телемеханикаси тизимлари, қурилмалари ва элементларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган микроэлектрон қурилмаларни яратишга, шунингдек замонавий даражада назорат қилиш ва контактсиз кодлаш қурилмаларини таҳлил қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, бугунги кун талабига жавоб берадиган энергия ва ресурсларни тежовчи элементлар асосида микроэлектрон код шакллантиргичларни ривожлантириш; автоматика ва телемеханикада долзарб бўлган контактсиз қуриламалардан фойдаланиш бўйича оптимал математик моделларни яратиш; янги микроэлектрон шакллантиргичлар схемаларни йиғиш; кодлаш ва бошқаришга мўлжалланган микроконтроллерлар асосидаги микроэлектрон импульс шакллантиргичларни, уларнинг ишлаш алгоритмлари ва дастурий таъминотини яратишни асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда транспорт жабҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари, жумладан темир йўл линиялари сонини кўпайтириш, мавжуд линияларни электрлаштириш, темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...

республика иктисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, ... транспорт-коммуникация соҳаларида аниқ дастурларни ишлаб чиқиш; ... ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни қўллаш” каби вазифалар белгилаб берилган¹. Бундай масаларнинг ечимини топиш, хусусан, хориждан сотиб олинadиган маҳсулотлардан мустақиллик даражасини ошириш, темир йўлда автоматика ва телемеханика тизимларида кодлаш ва светофорларни бошқарувчи микроэлектрон қурилмаларни энергия ва ресурс тежовчи технологиялар асосида ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли ва 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647-сонли Фармонлари, 2015 йил 6 мартдаги “Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313-сонли Қарори ҳамда шу соҳага тегишли қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга тадбиқ этиш учун ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. темир йўл транспортда поездлар ҳаракати хавфсизлигини, тезлигини ва ишончлилигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш, автоматика ва телемеханика тизимларини модернизациялаш бўйича долзарб масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг машҳур олий ўқув юртлари, илмий марказлари ва номдор фирмаларда, шу жумладан Dresden University of Technology (Германия), Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Università degli Studi di Torino (Италия), Technische Universität Wien (Австрия), ПГПУС, МИИТ (Россия), “Siemens”, “Bombardier”, “Боштранслойдха” АЖ, “Микроэлектроника плюс” АЖ (Ўзбекистон) да амалга оширилмокда.

Темир йўлда автоматика, телемеханика тизимлари ва қурилмалари самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш муаммоларини ҳал этишда G. Teeg, T. Brendt, D. Straetton, E. Andres, П.Ф. Бестемьянов, Ю.А. Кравцов, В.М. Лисенков, В.В. Сапожников, Н.Ф. Котляренко, В.С. Дмитриев, А.Б. Никитин, F. Bailey, U. Mashek, В. Феннер, Й. Тринкауф, X. Христов ва бошқа етук олимлар ва йирик мутахассислар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги №ПФ-4947-сонли Фармони

Булар билан бир каторда, мамлакатимиз олимлари: К.Т. Худайберганов, В.Г. Строков, Ш.Р. Хорунов, Н.Н. Ибрагимов, Н.М. Арипов, М.Х. Расулов, А.Р. Азизов, Д.Х. Баратов, Ж.Ф. Курбанов, Д.Х. Рихсиев, С.Т. Болтаев, Э.К. Аметова, Ш.М. Юлдашев ва бошқалар ўз илмий ишларида поездлар харакатини ташкил этишнинг техник-технологик ечимларига, транспорт жараёнларидан фойдаланишнинг назарий-амалий тахлил масалаларига, темир йўлда сигналлаштириш, марказлаштириш ва блокировкалаш тизимларига, шунингдек бошқаришдаги микропроцессорли воситаларига алоҳида эътибор беришган.

Мазкур илмий ишларда асосли янги тамойиллар ва технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланилган, аммо, темир йўл автоблокировкалаш тизимларида кодлаш ва светофорларни бошқаришдаги электр занжирлари схемаларини графлар назарияси усуллари асосида олинган энергия ва ресурс тежовчи технологияларни қўллаш бўйича талабларга жавоб берадиган микроэлектрон қурилмалар ёрдамида такомиллаштириш, автоблокировкалаш тизимларидаги кодлаш транзиттерлари ва светофорларни бошқариш схемаларидаги алоҳида олинган элементларини ишлашининг математик моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланилмаганлиги, ҳамда ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл мухандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-03-055 “Ўзбекистоннинг истикболли ва юқори тезкор темир йўллари учун темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси қурилмаларини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа (2015-2017), ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2019 йилги техник даражасини ошириш бўйича ягона комплекс режа” (27.12.2018 йилдаги №2347-НЗ буйруқ) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл транспортда автоматика ва телемеханика тизимлари учун бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични ишлаб чиқиш ва тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир йўл автоматика ва телемеханикаси жиҳозларига қўйиладиган техник талаблар асосида микроэлектрон импульс шаклантиргични ишлаб чиқиш усуллари ва тамойилларидан фойдаланишни асослаш;

микроэлектрон импульс шаклантиргич ишлашини тадқиқ қилиш учун маятникли ва кодли йўл транзиттерларнинг математик моделлари, ишлаш алгоритмлари ва уларнинг дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;

рельс занжирларини кодлаш ва светофорларни бошқариш электр схемаларидаги контактли транзиттерлардан воз кечиш мақсадида бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични яратиш;

транзиттерларнинг функцияларини бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични жорий қилиб, манбаловчи энергия ва ресурсларни тежовчи техникавий воситалардан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб темир йўл транспортидаги автоматика ва телемеханика тизимларининг маятникли ва кодли йўл транзиттерлари олинган.

Тадқиқот предмети бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклан-тиргични амалга ошириш, уни математик моделлаш усуллари, ишлаш алгоритмлари ва дастурий таъминоти олинган.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотлар давомида дискрет тизимлар назарияси, микроэлектрон қурилмаларни тавсифларини тажрибавий тадқиқот усуллари, графлар назарияси Петри тармоқлари мультиграфлари ва ташхислашнинг Байес теоремаси ёрдамида математик моделлаш каби усуллардан қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

энергия ва ресурс тежовчи техникавий воситаларни кенг қўллаш учун, темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика қурилмаларига қўйилган техник регламентлар асосида микроэлектрон импульс шаклантиргич схемаларини ишлаб чиқиш тамойиллари асосланган;

маятникли ва кодли йўл транзиттерларининг ишлашини тахлил қилиш ва оптималлаштириш, импульсларни параллел шаклантириш жараёнини тадқиқ этиш учун Петри тармоғи мультиграфлари асосида транзиттерларининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

транзиттер релеларининг кўзғатиш чўлғамлари ва контактларидан воз кечиш учун замонавий микроконтроллерлар ва оптронлардан фойдаланиш асосида бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични яратиш ва улар ёрдамида транзиттерларни истисно қилиш аниқланган;

микропроцессорли қурилмаларнинг техник ҳолатини ташхислашни амалга ошириш учун эҳтимоллар назариясининг Байес усулидан фойдаланиш асосида микроэлектрон импульс шаклантиргичнинг математик модели ишлаб чиқилган;

кичик масса-габарит ва юқори ишлаш самарадорлигига эга, энергия тежамкор, иккита транзиттерларнинг кодларини параллел ҳосил қилувчи янги қурилма бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргич яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

микроэлектрон шаклантиргич қурилмасидаги импульсларни параллел шаклантириш жараёнини амалга ошириш учун маятникли ва кодли йўл

трансмиттерларнинг ишлаш алгоритмлари ва уларнинг дастурий таъминотлари ишлаб чиқилган;

мавжуд электр марказлаштириш, автоматик локомотив ва переэзддаги сигналлаштириш ҳамда автоблокировкакашнинг релели кодлаш қурилмалари ўрнига микроэлектрон импульс шакллантиргичларнинг амалий мувофиқлик далиллари ишлаб чиқилган.

кодлаш занжирларидаги трансмиттерли релеларни истисно этиш мақсадида, энергия ва ресурс тежовчи, масса-ўлчов кўрсаткичларини камайтириш ва қурилмани маҳаллийлаштиришни амалга оширадиган бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргични ташкил этувчи барча элементларини ўзаро уйғун ва мутаносиб ишлашини ҳамда электр занжирларининг математик моделларини таҳлил қилиш натижаларининг темир йўл станциясидаги кодлаш схемаларида ўтказилган тажрибалар юқори даражада мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижаларининг аҳамияти станция ва перегон кодлаш занжирларида энергия ва ресурс тежовчи техникавий воситаларни қўллаш орқали микроэлектрон шакллантиргич қурилмасини яратиш вазифасини амалга ошириш мақсадида математик моделлаштириш усулларини такомиллашти-риш ва кодлаш занжирларини ишонччилигини ошириш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти контактли трансмиттерларнинг функцияларини бирлаштирган микроэлектрон импульс шакллантиргични яратиш, уни бузилмасдан ва носозликларсиз ишлаш қобилиятини ошириш ҳамда маҳаллийлаштириш, мавжуд релели электр схемалари билан мувофиқлигини амалга оширишнинг алгоритмлари ва дастурий таъминоти асосида ишлаб чиқилган микроэлектрон қурилмани электр марказлаштириш, автоматик переэзддаги сигналлаштириш ва автоблокировкакаш тизимларида кенг фойдаланиши орқали изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Темир йўл автоматика ва телемеханикаси тизимлари учун бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргични яратиш ва амалда қўллашга йўналтирилган натижалар асосида:

трансмиттерларининг ишлашини таҳлил қилиш ва оптималлаштириш, импульсларни параллел шакллантириш жараёнини тадқиқ этиш учун Петри тармоқлари графи ҳамда микропроцессорли қурилмаларнинг техник ҳолатини ташхислашни амалга ошириш учун Байес усулини қўллаш асосида бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргичнинг математик модели амалда тадқиқ қилинган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2021 йил 11 январидagi №01/113-21 маълумотномаси). Илмий

изланишлар натижасида, қурилманинг беҳато ишончли ишлашни таъминлаш, кодлаш занжирларини улаб-узиш, ўтиш режимларда шакллантиргичнинг ишлашни текшириш ва бажарилишининг талаб этиладиган шартларини инобатга олиш имконини берган.

ҳаракатдаги таркибни ишончли бошқариш учун электр марказлаштириш, автоблокировкалаш тизимлари ва локомотив сигналлаштириш қурилмаларига код ишлаб чиқарувчи “STM32F103” туридаги микроконтроллери асосида яратилган бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич “Ҳамза” станциясида тадбир қилинган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йилнинг 11 январидagi №01/113-21 маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида контактли транзиттерларни истисно этиш, қурилманинг ўз-ўзини ташхислаш функциясини киритиш, электр ва ресурс истеъмолини 45...50% га қисқартириш, ҳар йиллик техник хизмат кўрсатишдан воз кечиш, қурилмалар ишончилигини такомиллаштириш ва мавжуд релели тизимлар билан мувофиқлик далиллари яратилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференциялар, шу жумладан 3 та хорижий (шулардан 1 таси *Scopus* базасида) ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттес-тация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола чоп этилган: 3 та мақола – республика ва 4 та – хорижий (шулардан 1 таси *Scopus* базасида) журналларда, 3 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома мавжуд.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертацияда олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифа-лари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси илм ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Автоматика ва телемеханика тизимларининг код шакллантиргичларида микропроцессорли технологияларни қўллаш масалалари”** деб номланган биринчи бобида темир йўл

автоматика ва телемеханикаси микропроцессорли қурилмалари ва уларнинг ривожланиш таҳлили қилинган ва замонавий ҳолати кўриб чиқилган. Таҳлил асосида темир йўл автоматика қурилмаларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш учун автоблокировкалаш тизимларини кодлашнинг мавжуд блокларни модернизациялаш, самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг механик элементларини истисно этиш, микропроцессорли қурилма-ларни ишлаб чиқишни маҳаллийлаштириш, қурилмаларга хизмат кўрсатишга ва импортдан мустақил бўлиш учун ажратиладиган маблағлар ҳажмини қискартириш зарурияти каби вазифаларни бажариш белгилаб олинган.

Ўтказилган тадқиқотлар темир йўл автоматика ва телемеханикаси тизимларининг микропроцессорли қурилмаларини тадбиқ этиш муаммоси долзарблиги кундан кунга ортиб бораётганлигини кўрсатган. Ўзбекистон темир йўллари тармоғида Сигналлаштириш, марказлаштириш ва блокировкалаш тизимларининг 60% га яқин қисми 30 йилдан ортиқ хизмат қилган-лиги ва ўз ресурсларини тугаллаганлигини ҳисобга олиб, уларни замонавий контактсиз қурилмалар билан алмаштириш ўта жиддий аҳамият касб этмоқда.

Одатдаги, станция ва перегон тизимларидаги кодлаш электр занжирлари релели трансмиттерлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, саноат томонидан бу турдаги релеларни ишлаб чиқариш тўхтатилгани юзага келган вазиятни янада мураккаблаштирган. Шунга боғлиқ ҳолда бу жиҳозларни вақти-вақти билан алмаштириш нуктаи назаридан таъмирлаш, керакли самарани бермайди.

1-расмда берилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики автоматика ва телемеханика қурилмаларидан энг кўп носозликларга айнан трансмиттерлар сабабли содир бўлган. Бундай трансмиттерларни тиклашга сарфланадиган харажатлар тобора ортиб боришига аппаратура ишдан чиқиши сабабли поездларнинг туриб қолишига боғлиқ сарф-харажатлар ўсишига ва қурилмаларга хизмат кўрсатишга фойдаланилаётган харажатларнинг экспоненциал тарзда ортишига олиб келади.



1-расм. Носозликларнинг қурилмалар бўйича тақсимланиши

Бундан ташқари, сўнгги йилларда электр механик қурилмаларнинг қиймати анча сезираларли даражада ошган, масалан, релеларнинг нархи сўнгги 10 йил ичида 8...15 маротаба ошган, шу билан бир қаторда микро-

процессор қурилмалари нархи эса фақат 3...5 мартаба ортиши аниқланган.


Ўтказилган тадқиқотлар автоблокировкаш ва локомотив сигналлаштириш тизимлари учун код шакллантирадиган электр механик қурилма ва ўзгармас токдаги автоблокировкаш рельс зажирининг импульсли таъминоти, электр марказлаштириш ва переезд светофорларнинг милтиллаб ишлаши режимлари маятникли транзиттерлар таъминлашини, бу эса ўз навбатида хажмини кичрайтириш, энергия таъминотини тежаш, нарх кўрсаткичларини камайтириш, техник ташхис қўйиш имконияти бўлган қурилма мавжуд эмаслигини кўрсатган.

Юқорида айтилганларни бирлаштириб, қайд этиш лозимки, кодлаш занжирларидаги механик элементларни истисно этиш, ҳамда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминлаш, қурилмаларга хизмат кўрсатиш харажат-ларини камайтириш, шунингдек ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, темир йўл автоматика ва телемеханикаси қурилмаларининг рақобатбардошлигини ошириш учун микропроцессорлар асосидаги блокларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

“Контактли транзиттерларнинг математик таърифи ва микро-электрон шакллантиргичларни ишлаб чиқиш” деб номланган иккинчи бобда қурилмаларни бошқариш тизимини моделлаштириш усулини танлаш ва таҳлил қилиш; маятникли ва кодли йўл транзиттерлар электр занжирларининг математик моделларини, графлар назариясининг Петри тармоқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқ этиш; микроэлектрон импульс ва кодли йўл шакллантиргичларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этишга бағишланган.

2-расмда келтирилган маятникли МТ-1 транзиттерининг 31_32 ва 41_42 контактлари Петри тармоқлари ёрдамида бирлаштирилган модели графи ишлаб чиқилган.

Бунда граф транзиттер таъминот манбасидан узилган ҳолати кўрсатилган. Графдаги 41_42 контактларнинг уланган ҳолатига, 41_42 – эса узилган ҳолатига мос келади, 270 мс ва 300 мс позициялари вақт таймерининг иш вақти тугаганлигини билдиради. Графда t_1 , t_2 и t_3



2-расм. Петри тармоғи графда МТ-1 транзиттерининг бирлаштирилган модели

ўтишлардан фойдаланилган. Бошланғич ҳолатдаги 41_42 позицияларида фишканинг йўқлиги ва 41_42 позицияларда мавжудлиги транзиттер контактлари узилганлигини билдириши келтирилган. МТ-1 нинг Петри тармоқлари Графи учун (I) кириш ва (O) чиқиш кенгайтирилган функцияларидир.

Таъминот манбасига улангандан сўнг ўтишларнинг кириш функцияси бўйича $I(t_1) = \{\text{Таъминот уланган, 300 мс, 41_42}\}$ ўтиш бошланади ва t_1 ўтиш

бўйича $O(t_1)=\{41_42, 270 \text{ мс}\}$ чиқиш функцияси ҳосил бўлган. Бу эса фишкани 41_42 позициясида ҳосил бўлишига олиб келган. Бу ҳолатда кириш функцияси $I(41_42)=\{t_1\}$ ифода билан аниқланган. 41 ва 42 контактларнинг уланиши таймерни 270 мс ишга тушишини кўрсатган. Таъминот манбаси улангандан кейин таймер яна 270 мс ишга тушади ва бу вақт тугагандан кейин 270 мс позициясида фишка ҳосил бўлган. 41 ва 42 контактларнинг уланиши 270 мс ли импульс бошланганлигини аниқлаган. Бу вақт ўтгандан сўнг графнинг кенгайтирилган функцияси бўйича $I(t_2)=\{41_42, 270 \text{ мс}\}$ ўтишининг бошланиши учун шартлари бажарилиши, натижада фишка 270 мс ва 41_42 позициялардан $O(t_2) = \{41_42, 300 \text{ мс}\}$ ва $I(41_42) = \{t_2\}$, $I(300 \text{ мс}) = \{t_2\}$ ифодаларга мос равишда 41_42 позициясига ўтаган. МТ-1 Петри тармоғи графи учун тузилган кенгайтирилган кириш (I) ва чиқиш (O) функциялари қуйида келтирилган:


$$\begin{aligned}
 I(41_42) &= \{t_1\}; & O(41_42) &= \{t_2\}; \\
 I(41_42) &= \{t_2\}; & O(41_42) &= \{t_1\}; \\
 I(270 \text{ мс}) &= \{t_1\}; & O(270 \text{ мс}) &= \{t_2\}; \\
 I(300 \text{ мс}) &= \{t_2\}; & O(300 \text{ мс}) &= \{t_3\}; \\
 I(t_1) &= \{\text{Таъминот уланган, } 300 \text{ мс, } 41_42\}; & O(t_1) &= \{41_42, 270 \text{ мс}\}; \\
 I(t_2) &= \{41_42, 270 \text{ мс}\}; & O(t_2) &= \{41_42, 300 \text{ мс}\}.
 \end{aligned}
 \tag{1}$$

270 мс ли импульснинг тугаши аниқлангандан сўнг. $I(300 \text{ мс}) = \{t_2\}$ функциянинг амалага оширилиши таймерни 300 мс сек ишга туширилишига олиб келган. Фишканинг 300 мс ва 41_42 позицияларда мавжудлиги $I(t_1) = \{\text{Таъминот уланган, } 300 \text{ мс, } 41_42\}$ ифодага мос равишда t_1 ўтишга шароит яратган. Яъни 41 ва 42 контакларнинг 300 мс ажралган ҳолати импульслар орасидаги интервалга мослиги ва биринчи давр тугаганлигини аниқлатади. Граф эса бошлангич ҳолатга қайтиши аниқланган.

МТ-2 трансмиттери 31_32 ва 41_42 контактлари учун ҳам худди шу услубда кўриб чиқилган. МТ-1 ва МТ-2 трансмиттерлари ишини моделлаштириш, микроэлектрон қурилма учун оптимал алгоритм ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш имконини берган. Моделнинг тадқиқоти дастурий таъминотда импульсларни шакллантириш учун битта таймердан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатган.

Петри тармоқларинидан фойдаланиб, КППШ вақт параметрлари бўйича макбул микроэлектрон КППШ микроконтроллерига дастурий алгоритм олинган.

3-расмда КЖ кодини шакллантиришда КППШ-5 нинг ишлаш графи келтирилган. КЖ ҳолати учун фишканинг мавжудлиги $I(\text{КЖ}) = \{t_1\}$ функциянинг бажарилиши ва t_1



3-расм. КЖ кодини шакллантиришда Петри графи

Ўтишнинг бошланиши билан белгиланади, яъни $O(t_1) = \{КЖ\}$ функция бажарилган. Ўтиш t_1 нинг бошланиши $I(t_1) = \{КПТШ-5, таъминот уланган\}$ функцининг бажарилиши билан белгиланади, бу ерда КПТШ-5учун танланган код шакллантиригичнинг тури белгиланган.

КЖ кодини ишлаб чиқаришда кодли транзиттернинг Петри тармоқлари графи учун тузилган кенгайтирилган кириш (I) ва чиқиш (O) функциялари куйдагилардир:

$$\begin{aligned} I(\overline{КЖ}) &= \{t_1, t_3\}; & O(КЖ) &= \{t_2\}; \\ I(\overline{КЖ}) &= \{t_2\}; & O(\overline{КЖ}) &= \{t_3\}; \\ I(t_1) &= \{КПТШ-5, таъминот уланган\}; & O(t_1) &= \{КЖ\}; \\ I(t_2) &= \{КЖ, 230 - КЖ\}; & O(t_2) &= \{\overline{КЖ}\}; \\ I(t_3) &= \{\overline{КЖ}, 570 - КЖ\}; & O(t_3) &= \{КЖ\}. \end{aligned} \quad (2)$$

3-расмда ишлаб чиқилган Петри тармоқлари графидан, у КЖ ва ОКЖ клеммалари ўртасида электр уланиш мавжудлигини КЖ клеммасининг чиқиш ҳолатига мос келадиган \odot КЖ ҳолати акс эттиради. \odot $\overline{КЖ}$ ҳолати – К ва ОКЖ клеммалари орасидаги электр уланишнинг узилганига мос келади. Дастлабки ҳолатда, код шакллантиригични кучланиш манбасига улагандан сўнг, код шакллантиригич алгоритмига кўра чиқишлар орасидаги электр боғланиш дарҳол пайдо бўлган, яъни КЖ нинг 1 импульси ҳосил бўлган. Ушбу ҳолат учун моделнинг ишини кўриб чиқилган. Бу ҳолда бешинчи ва таъминот уланган ўзгарувчилар маъна уланганлик моментини акс эттирилган. 230 давом этган биринчи КЖ код импульси ҳосил бўлиши кўрсатилган. Ушбу вақт ўтгандан сўнг, КПТШ транзиттерининг КЖ ва ОКЖ чиқишлари ўртасида электр боғланиш узилиши бўлиши керак.

Бу ҳолатини ҳудди 3-расмдаги каби графдан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилган. Фишка КЖ позициядан $\overline{КЖ}$ позицияга ўтиши керак. Бу импульслар орасидаги интервалнинг мавжудлигига мос келган. Фишканинг ўтиш шартларини бажариш учун ўтишни бошлашга шарт-шароит яратиш керак. Яъни, кириш $I(t_2) = \{КЖ, 230 - КЖ\}$ функциясини бажариш, бу ерда КЖ ўзгарувчи фишка позицияси КЖ да эканлигини акс эттирган, 230 – КЖ ўзгарувчи эса, ҳисоблагичда импульс узунлиги 230 мс тугаганшини билдиради. Шундай қилиб, ўтиш t_2 ни бошлаш учун шартлар бажарилган.

Фишка КЖ позициясидан $\overline{КЖ}$ позициясига кўчиралган, яъни КЖ ва ОКЖ ўртасида жисмоний боғланиш давомийлигини билдирган. Импульслар орасидаги жисмоний интервалнинг давомийлиги 570 мс ташкил қилади. Ундан сўнг $I(t_3) = \{\overline{КЖ}, 570 - КЖ\}$ функцияга кўра, t_3 ўтишнинг шартлари бажарилган.


Бу ерда $\overline{КЖ}$ ўзгарувчи фишканинг шу ҳолатда эканлигини аниқлаган, 570 – КЖ ўзгарувчи эса, 570 КЖ код комбинациясида импульс келмаган вақт узунлигини кўрсатиб, вақт таймери ҳисоблашни тугатганлигини билдирган. t_3 ўтишнинг бошланиши, кириш $I(КЖ) = \{t_1, t_3\}$ функцияси бўйича фишканинг КЖ ҳолатига ўтишига мос келган. Фишканинг КЖ позициясига ўтиши,

3-расмдаги граф бўйича t_3 ўтишининг кириши КЖ ва ОКЖ чиқишлари орасидаги боғланиш мавжудлигига ва КЖ кодининг шаклланиш цикли давомига таъсир қилиши асосланган.

Худди шу тартибда Ж ва З кодлари учун алоҳида КПТШ-5 ва КПТШ-7 трансмиттерлари моделлари ишлаб чиқилган. Петри тармоқлари мультиграф-ларидан фойдаланган ҳолда электр занжирларини моделлаштириш жараёни-да микропроцессорли блокларнинг такомиллашган ва ишончли ишлашини таъминлаш усули олинган.

Петри тармоғи кўринишидаги маятникли ва кодли йўл трансмиттерлари модел энг мақбул дастурий таъминотни яратиш бўйича кенг имкониятлар билан таъминлайди, нотўғри сингалларнинг вужудга келиш эҳтимолини истисно этиши кўрсатилган.

“Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични тад-қик этиш ва амалда ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобда микро-процессорли интервал бошқаришнинг хавфсизлигини таъминлашда тизимли ортқчаликни қиритишнинг асосий усуллари тақлиф этилган. Бирлашти-рилган микроэлектрон импульс шаклантиргичларининг функционал ва принципал схемалари, ишлаш алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқилган. Микроэлектрон шаклантиргичнинг техникавий ҳолатини ташхислаш услубияти келтирилган. 4-расмда бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргичнинг ишлаб чиқилган тузилмавий схемаси тақдим этилган.




4-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргичнинг тузилмавий схемаси

МП шифратор модули керакли импульслар кетма кетлигини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Импульслар дешифратор билан бир хил бўлса, бу импульслар трансмиттерлар контаклари вазифасини бажарувчи КПТШ ёки МТ ажратиш схемасига узатиши кўрсатилган.

Шифратор бирор бир сабабга кўра нотўғри кодлар ишлаб чиқаришни бошласа, дешифратордан чиқаётган кодлар шифратор кодларидан фарқ қилади. Шу сабабли, солиштириш блоклари орқали бундай кодлар трансмиттернинг чиқишига узатилмаслиги тажрибавий исботланган. Микроконтроллер ажратиш схемалари билан индикация блоклари орқали


уланган. Тузилмавий схема асосида бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргичнинг принципиал схемаси ишлаб чиқилган.

5-расмда келтирилган бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич принципиал схемасида механик контактларсиз қурилмани тўғридан-тўғри схемага уланиши кўрсатилган. Барча логик операциялар қўлланган STM32F1031 микроконтроллерда ёзиб олинган дастурий таъминот ёрдамида бажарилиб, контактлар имитация-си эса PVG-612A, TLP 250, ва МОС элементларидан фойдаланиб бажарилган.




5-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргичнинг принципиал схемаси

Ҳозирги кунда мавжуд электр механик ва ишлаб турган микроэлектрон трансмиттерлардан бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргичнинг афзаллиги ўзида жамлаган тўртта функционал вазифаларни параллел равишда бажара олиши, бу унинг тузилиш тамойилларида ҳам акс этган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун, дастурий таъминот ишлаб чиқишдан олдин МТ-1, МТ-2 ва КРТШ қурилмаларининг ишлаш тамойиллари асосида алгоритмлар тузилган. Алгоритмларни тузиш босқичида “ИС ДРАКОН” махсус дастурдан фойдаланилган. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич шифратори ва дешифраторини асосий нимдастурининг алгоритмлари 6- ва 7-расмларда келтирилган.



6-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич шифраторини асосий нимдастурининг алгоритми



7-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич дешифраторини нимдастурининг алгоритми

Байес усулидан фойдаланиб бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантирич қурилмасининг асосий носозликлар жадаллиги $285.6 \cdot 10^{-6}$ 1/соатга тенглиги аниқланган ва қатор фаразлар киритилган. Айнан бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантирич қурилмасининг ишлатиш натижасида импульслар ёки интервалларнинг рухсат этилган вақт чегараларидан чиқишида k_j қурилмалар бўлганда $n\%$ ҳолларда ишдан чиқсин деб фараз қилинган. Шундан келиб чиқиб, бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиричнинг t соатдан кейинги ишлаш қобилиятига эга ҳолатининг эҳти-моллиги аниқланган, ва бу вақт қурилманинг қуйидаги ҳисобланган носоз-ликлар жадаллиги орқали асосланган:

$$P(D_1/k_1) = \frac{e^{-2.86 \cdot 10^{-4} \cdot t} \times n \times 10^{-2}}{e^{-2.86 \cdot 10^{-4} \cdot t} \times n \times 10^{-2} + (1 - e^{-2.86 \cdot 10^{-4} \cdot t}) \times (1 - n \times 10^{-2})} \quad (3)$$

бунда k_j – импульс вақти ёки интервалнинг рухсат этилган қийматларидан оғиши белгиси; D_1 – нуқсонлар вужудга келганда объектнинг ҳолати.

Кодли йўл трансмиттери кодлари мисол сифатида олинганлиги учун, қуйидаги ифодадан фойдаланиш орқали n қиймати аниқланган:

$$n = n_{и.т} + n_{ин.т} + n_{и.ж} + n_{ин.ж} + n_{и.кж} + n_{ин.кж} \quad (4)$$

бунда $n_{и.т}$ – 3 кодидаги импульслар сони, 3 га тенг; $n_{ин.т}$ – 3 кодидаги интерваллар сони, 3 га тенг; $n_{и.ж}$ – Ж кодидаги импульслар сони, 2 га тенг; $n_{ин.ж}$ – Ж кодининг интерваллар сони, 2 га тенг. $n_{и.кж}$ – КЖ кодининг импульслар сони, 1 га тенг; $n_{ин.кж}$ – КЖ кодининг интерваллар сони, 1 га тенг. Демак, бу ҳолатда $n = 12$ га тенг бўлади.

Бундан K векторининг хусусиятлар сони қуйидаги ифода бўйича аниқланган:


$$K = k_{u, \tau, 1} + k_{u, \tau, 2} + k_{u, \tau, 3} + k_{ин, \tau, 1} + k_{ин, \tau, 2} + k_{ин, \tau, 3} + k_{u, ж, 1} + k_{u, ж, 2} + k_{ин, ж, 1} + k_{ин, ж, 2} + k_{u, кж} + k_{ин, кж}, \quad (5)$$

бунда $k_{u, \tau, 1}, k_{u, \tau, 2}, k_{u, \tau, 3}$ – “З” коди импульсларининг берилган вақт параметрларидан четга оғишлари белгилари; $k_{ин, \tau, 1}, k_{ин, \tau, 2}, k_{ин, \tau, 3}$ – 3 кодининг импульсларо интерваллари вақтининг оғишлари белгилари; $k_{u, ж, 1}, k_{u, ж, 2}$ – Ж коди 1-нчи ва 2-нчи импульсларининг берилган вақтидан оғишлари белгилари; $k_{ин, ж, 1} + k_{ин, ж, 2}$ – Ж кодининг ташхис қилинадиган импульсларо интерваллари-нинг рухсат этилган қийматдан оғишлари белгилари; $k_{u, кж}$ – КЖ коди импульси давомийлигининг оғишлари белгиси; $k_{ин, кж}$ – КЖ коди интервали давомийлигининг оғишлари белгиси.

Ўхшаш тарзда КПТШ7, МТ1 ва МТ2 каби БМИШ ларнинг бошка иш режимларининг техник ташхис қилиш эҳтимоллигини аниқланган. Бунинг учун қурилманинг носозликлар эксплуатацион жадаллиги ва асосий носозликлар интенсивлик қийматлари ҳисобланиб асос сифатида олинган.

“Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични тадқиқ этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобда бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргичнинг ишлаш қобилиятини текшириш усули ва уни ўтказиш шартлари ишлаб чиқилган. Микроэлектрон шаклантиргични станция ва перегонларнинг амалдаги тизимларига тажрибавий синов ёрдамида текширишдан ўтказилган. Бирлаштирилган шаклантиргичнинг функционал имкониятлари тест синовидан ўтказилган. Қурилмани амалда қўллашнинг техник-иктисодий самарадорлиги асосланган.

Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични тўғри ишлаётганини аниқлаш мақсадида хусусий “Микроэлектроника плюс” фирмасининг лабораториясида вақт ва электр параметрлари синовдан ўтказилган (8-расм).




8-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргични осциллографлар ёрдамида текширишларини ўтказиш

Йиғилган қурилма аниқ ва хатосиз ишлаши исботлангандан сўнг, у ШЧ-1 корхонасининг назорат ўлчов бўлимида яна бир бор трансмиттернинг КЖ, Ж ва З кодларини текшириш учун стенд техник тафсивлари бўйича синовдан ўтказилган ва 1-жадвалда келтирилган натижалар асосида акт тузилган.

Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич вақт параметрлари

| Иш режими | Код | Давомийлиги, мс | | | | | |
|-----------|-----------------|-----------------|------------------|----------------------------|------------------|----------------|-----------------|
| | | Биринчи импульс | Биринчи интервал | Иккинчи импульс | Иккинчи интервал | Учинчи импульс | Учинчи интервал |
| КПТШ-5 | З | 350 | 120 | 220 | 120 | 220 | 570 |
| | Ж | 380 | 120 | 380 | - | - | 720 |
| | КЖ | 230 | - | - | - | - | 570 |
| | Цикл | 1600 | | | | | |
| КПТШ-7 | З | 350 | 120 | 240 | 120 | 240 | 790 |
| | Ж | 350 | 120 | 600 | - | - | 790 |
| | КЖ | 300 | - | - | - | - | 630 |
| | Цикл | 1860 | | | | | |
| | чикиш | импульс | интервал | 1 минутада тебранишлар сон | | | |
| МТ-1 | 31-32, 41-22 | 270 | 12 | 105 | | | |
| МТ-2 | 31-32 | 750 | 750 | 40 | | | |

Олинган акт асосида, қурилмани Ҳамза станциясининг бугунги кунда ишлаб турган, 44 статив жойи ён йўлнинг 14 қурилмаси ўрнида синовдан ўтказиш учун қўйилган. КПТШ транзиттерлари рельс занжирларга ўзгармас ток транзиттер релеси ТШ-60 оркали уланганлиги сабабли, янги яратилган микроэлектрон қурилмаси ҳам ўзгармас ток релеси ТШ-60 оркали уланиб, текширилган, натижада эса бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргичнинг юкламаси ўзгарувчан ток релеси ТШ-2000 учун керак бўладиган, гальваник ажратиш сифатида махсус мувофиқлаштириш схемаси ишлаб чиқилган (9-расм).



9-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргични ўзгарувчи токни юкламага мувофиқлаштириш схемаси


IN_1 ва IN_2 киришлари 5-расмдаги мантикий элемент чиқишларига уланиши назарда тутилган. МОС3062 транзистори эса асосий вазифани, релели қурилмаларга мослашишни амалга оширувчи бўғиндир. Синовлар вақтида, бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргичнинг ишлаб чиқарётган импульслари аниқ, ҳеч қандай оғишларларсиз тўғри тўртбўрчак шаклда эканлиги исботланган (10-расм).



10-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргичнинг синов вақтида монитorda олинган натижалари

Бу эса, бугунги кунда, темир йўл сигналлаштириш, марказлаштириш ва блокировкалаш қурилмаларининг носозликлардан энг кўп улуши тўғри келадиган трансмиттерлар муаммосининг ечимидир. Трансмиттерларининг дастурий таъминоти ишини оптималлаштириш ва таҳлил қилиш, импульсларни параллел шаклантириш жараёнини тадқиқ этиш учун бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргич ишлашининг математик моделлари жорий этилган, натижада, қурилманинг ишончли ишлашини таъминлаш, электр занжирлари коммутациясини амалга ошириш зарур шарт-шароитларини ҳисобга олиш ва реал динамик режимларда блокнинг ишлашини текшириш имконияти пайдо бўлган.

Ташиш жараёнини ишончли бошқариш учун электр марказлаштириш, автоблокировкалаш тизимлари ва локомотив сигналлаш-тириш қурилмаларига код ишлаб чиқарувчи, 11-расмда келтирилган бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргич платасининг марказий қисмида



11-расм. Бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргич платаси

жойлашган “STM32F103” микроконтроллери базасида яратилган. Бирлаштирилган импульс шаклантиргич “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Ҳамза” станциясида жорий этилган, натижада контактли трансмиттерларни истисно этиш, қурилманинг ўз-ўзини ташхислаш функциясини киритиш, электр ва ресурс истеъмолини 45-50% га қисқартириш, ҳар йиллик режали хизмат кўрсатишдан воз кечиш,

қурилмалар иши ишончилигини ошириш ва мавжуд релели тизимларда биргаликда ишлашга мослашиш учун шароитлар яратилган. “Ҳамза” станциясида бирлаштирилган микроэлектрон импульс шаклантиргичларни жорий қилинишидан йилгига жами тежалган пул миқдори 94,01 млн. сўмни ташкил қилган.

ХУЛОСА

Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика тизимлари учун бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргични ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича тадқиқотлар натижасида қуйидагилардан иборат:

1. Графлар назарияси Петри тармоқларининг мультиграфлари асосида маятникли трансмиттер ва йўл кодли трансмиттерларининг математик моделлари ишлаб чиқилган. Ушбу математик моделлар электр механик трансмиттерларнинг амалдаги мавжуд принципал схемалари асосида яратилган ҳамда автоблокировкалашнинг кодлаш занжирларини улаб-узиш ва улар бажарилишининг талаб этиладиган шартларини инобатга олиш имконини берган.

2. Темир йўл автоматика ва телемеханикаси қурилмаларига белгиланган техникавий талаблар асосида бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакл-лантиргичнинг ишлаб чиқиш усуллари, ишлаш алгоритмлари ва унинг дастурий таъминоти яратилган. Натижада ҳаракат таркибининг бетўхтовлиги, техник қурилмаларни маҳаллийлаштириш, манбалаш энергиясини ва ресурсларни тежовчи технологик воситаларни жорий қилиш шартларига жавоб берадиган, нархи 10 барабар арзон бўлган бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич ишлаб чиқилган.

3. Микропроцессорли қурилмаларнинг техник ҳолатини ташхислашнинг амалга ошириш учун эҳтимоллар назариясининг Байес усулидан фойдаланиш асосида микроэлектрон импульс шакллантиргичнинг математик модели ишлаб чиқилган. Натижада қурилманинг ишлаш қобилиятига эга ҳолатининг эҳтимоллиги, қурилма носозлигининг эксплуатацион жадаллиги ва асосий носозликлар жадаллиги қийматлари ҳисобланиб, бирлаштирилган шаклан-тиргичнинг техник ҳолатини ташхис қилишни баҳолаш амалга оширилган.

4. Темир йўлдаги ташиш жараёнини бошқаришни узлуксизлигини таъминлаш учун автоматика ва телемеханиканинг автоблокировкалаш тизимларида код шакллантиргич сифатида ва электр марказлаштириш, переезд тизимларида светофорларни бошқариш занжирларида ишлатиладиган, нисбатан кўпроқ функционалли “STM32F103” микроконтроллери базасида бажарилган бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

5. Илмий тадқиқотлар натижасида электр механик трансмиттерларини истисно қилиш, электр энергия фойдаланиш самарадорлигини ошириш, технологик регламент бўйича хизмат кўрсатиш даврийлигини ошириш, ҳозирда ишлаётган тизимларга мослашиш имкониятини яратган. Ундан ташқари диагностика қилиш функциясини киритиш, блокнинг ишончли ишлаш даражасини орттириш имкониятлари пайдо бўлиб, мавжуд тизимлар ва янги ишлаб чиқилган тизимлар интерфейсларига мослашувчан бўлишга эришилган.

6. Станцияда электр марказлаштириш ва перегонда автоблокировкалаш тизимларидаги трансмиттерли код шакллантиргичларнинг ўрнига микроэлектрон қурилмалардан фойдаланиш, электр занжирларининг белгиланган функционал имкониятларига мос келиши тасдиқланган. Натижада бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич автоматика ва телемеханика тизимлари учун энергия ва ресурс тежовчи технологияларни самарали тадбир этиш ҳамда энергия сарфини 45-50% камайтириш имконини берган.

7. Ишлаб чиқилган бирлаштирилган микроэлектрон импульс шакллантиргич “Ҳамза” станциясида жорий қилинган. Тадбир қилиш қурилмалар етишмовчилиги туфайли носозликлар сонини ва эксплуатацион харажатларини камайтириш муаммоларини ҳал қилган. Шунингдек, станция ва перегондаги ҳаракат хавфсизлигининг даражаси, фойдаланишдан олинadиган даромад ва участканинг ўтказиш қобилиятини ҳамда поездлар участка тезлигини ортиши темир йўллар иши натижаларига ижобий таъсир қилган. Микроэлектрон импульс шакллантиргични фойдаланиш натижасида олинadиган йиллик иқтисодий самарадорлик битта қурилма учун 45,3 млн. сўм, станция учун 94,01 млн. сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.15/30.12.2019.T.73.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАСТВЕННОМ
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШАКИРОВА ФЕРУЗА ФАЙЗИТДИНОВНА

**ИНТЕГРИРОВАННЫЙ МИКРОЭЛЕКТРОННЫЙ ИМПУЛЬСНЫЙ
ФОРМИРОВАТЕЛЬ СИСТЕМ АВТОМАТИКИ И ТЕЛЕМЕХАНИКИ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.3.PhD/T1863.


Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tstu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

| | |
|------------------------|--|
| Научный руководитель: | Арипов Назиржан Мукарамович доктор технических наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Улжаев Эркин доктор технических наук, профессор Хаджимухатедова Матлуба Адилловна кандидат технических наук, доцент |
| Ведущая организация: | Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий |

Защита диссертации состоится "18" 12 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете (Адрес: 100167, г Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 045). Адрес: 100167, Ташкент ул. Темирийулчилар, 1 тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан "04" 12 2021 года.
(протокол рассылки № "037" от "04" 12 2021 года).



А.И. Адилходжаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.т.н., доцент

М.Х. Расулов
Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, к.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одна из ведущих задач в мире – создание микропроцессорных систем на базе оборудования и средств автоматики, телемеханики с микроэлектронными элементами для улучшения функций систем управления движением поездов, безопасности поездов и оборудования совершенствования управления железнодорожным транспортом. К примеру, в результате внедрения электронных передатчиков вместо кодовых путевых и маятниковых трансмиттеров на железных дорогах стран СНГ эксплуатационные расходы снизились на 10-12%. В связи с этим в процессе модернизации необходимо отказаться от контактных трансмиттерных устройств и схем на их основе в локальных современных микропроцессорных системах и внедрить в практику бесконтактные микроэлектронные устройства, обеспечивающие высокую скорость, безопасность и совместимость с действующими системами. В развитых странах мира, таких как Россия, Япония, Германия, США, Англия, Китай, Испания и в других странах при разработке и проектировании систем автоматики и телемеханики железнодорожного транспорта считаются значимыми прочность и самоконтроль (самодиагностика). вместе с этим, разработка микроэлектронного устройства для формирования и передачи надежных, стабильных сигналов.

Во всем мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на создание микроэлектронных устройств, связанных с совершенствованием их систем, устройств и элементов, а также с современным уровнем контроля и анализа бесконтактных кодирующих устройств. В связи с этим, особое внимание уделяется разработке отвечающих современным требованиям микроэлектронных формирователей кодов на основе энерго- и ресурсосберегающих элементов; созданию актуальных в автоматике и телемеханике оптимальных математических моделей для использования бесконтактных устройств; сбору новых схем микроэлектронных формирователей; созданию микроэлектронных формирователей импульсов, предназначенных для кодирования и передачи данных, алгоритмов их обработки и программного обеспечения на основе микроконтроллеров.

В нашей республике реализуются меры по развитию транспортной отрасли, в том числе по увеличению количества железнодорожных линий, развитию электрификации существующих линий, развитию железнодорожной инфраструктуры и достигаются определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 г. указаны задачи, такие как, «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... активная инвестиционная политика, направленная на решение транспортно-

коммуникационных ... проектов, ... техническое и технологическое обновления производства, ... широкое привлечение производства энергосберегающих технологий». ² Реализация этих задач, в частности, повышения уровня независимости от импортной продукции, кодирования в системе железнодорожной автоматики и телемеханики и разработки микроэлектронных устройств управления светофором на основе энерго и ресурсосберегающих технологических средств является одним из направлений работы актуальных задач сегодняшнего дня. Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Правительства Республики Узбекистан от 26 мая 2017 г. № ПП-3012 №ПП-2313 от 6 марта 2015 г. «О программе развития и модернизации инженерно-коммуникационной и дорожно-транспортной инфраструктуры», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данному виду деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

